

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

184 **Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчилик-
ка қарши курашиш тизимини янада такомиллашти-
риш чора-тадбирлари тўғрисида**

Мустақиллик йилларида республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилди.

Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органларининг иш шакли ва услублари, энг аввало ахборот-ком-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

муникация технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги сабабли ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Давлат идоралари аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, оқибатда ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратмаяпти.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги кутилаётган натижаларни бермаяпти.

Ваколатли органларнинг етарли даражада ташаббус кўрсатмаётганлиги, лозим даражадаги идоралараро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ўзаро номутаносиблиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштиришни талаб этади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш мақсадида:

1. Давлат органларининг, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ишлари қониқарсиз деб эътироф этилсин.

2. Ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органларининг (кейинги ўринларда — давлат идоралари ва ташкилотлари) устувор вазифаси этиб белгилансин.

Ушбу соҳада қуйидагилар давлат идоралари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари этиб ҳисоблансин:

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини, шу жумладан аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолиятида фаол иштирок этиш, фуқаролар мурожаатлари ва муаммоларига бепасанд муносабатда бўлиш ва бюрократик ҳолатларга йўл қўймаслик орқали таъминлаш;

ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш, шунингдек уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;

идоралараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан видеокузатув, электрон

ҳисобга олиш ва ўзаро ахборот алмашиш, идоралараро маълумотлар базалари тизимларини профилактик ишларга кенг жорий этиш;

жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш;

амалга оширилаётган профилактика чора-тадбирларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини, қонунийлик аҳволи ҳамда жинойтчилик даражаси ҳақидаги маълумотларни аҳолига етказиш масалаларида оммавий ахборот воситалари билан фаол ҳамкорлик қилиш, Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланиш, содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва уларни бартараф этиш жараёни тўғрисида кенг жамоатчиликни тезкор хабардор қилиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини, шу жумладан ҳуқуқбузарликлар динамикаси, уларни содир этиш такрорийлиги, ижтимоий фикр, профилактик ишлар натижасидан фуқароларнинг қониқиш ҳосил қилиши ва аҳоли билан ҳамкорлик даражасини инобатга оладиган баҳолашнинг аниқ мезонларини жорий этиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича идоралараро дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда манзиллилик, соҳавий ихтисослашув, ҳудудий ва бошқа ўзига хос хусусиятлар инобатга олинишини таъминлаш;

ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, биринчи навбатда аҳоли бандлигини таъминлаш, аёллар ва ёшларни ижтимоий-фойдали фаолиятга жалб этишни фаоллаштириш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси муаммолари бўйича комплекс илмий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, профилактик ишларни олиб боришнинг замонавий услубиётини жорий этиш;

ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчилар ва ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ёки содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар тизимини ривожлантириш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига фуқаролар ва жамоат ташкилотларини, шу жумладан уларни моддий ва бошқача тарзда рағбатлантириш орқали жалб этиш механизмларини такомиллаштириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлигининг қуйидаги тақлифлари қабул қилинсин:

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларни тегишинча

Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар этиб қайта ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари ҳузурида прокуратура, ички ишлар ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг тажрибали ходимларидан иборат доимий фаолият юритувчи идоралараро тезкор-тергов гуруҳларини ташкил этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қўйидаги комиссиялар бўйича ягона мувофиқлаштирувчи орган этиб белгилансин:

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси;

Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси;

Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси.

5. Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» этиб белгилансин ва ушбу кунда қўйидаги тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилсин:

ҳуқуқбузарликларга муросасизлик маданиятини шакллантириш, ҳуқуқий нигилизмга барҳам бериш ва фуқароларнинг қонунга итоаткорлик ҳулқ-атворини оммалаштиришга қаратилган, шу жумладан ички ишлар органлари таянч пунктлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат идоралари ва ташкилотларида «очиқ эшиклар куни»ни ташкил этиш орқали тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

қонунийлик аҳволини ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини атрофлича муҳокама қилиш учун жойларда, биринчи навбатда криминоген вазият номақбул бўлган ҳудудларда фуқароларнинг сайёр қабуллари ҳамда давлат идоралари ва ташкилотлари вакилларининг аҳоли билан учрашувларини ташкил этиш;

ижтимоий аҳамияти муҳим бўлган суд муҳокамалари бўйича сайёр суд мажлисларини ўтказиш;

аҳоли турмушининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини ўрганиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга қўмаклашувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида уйма-уй юришларни ташкил этиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида давлат идоралари ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

махсус телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда давлат идоралари ва ташкилотлари вакиллари, жамоатчилик иштирокида жойларда жиноятчилик аҳволи, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитлари, жиноятларни фош этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича ишларнинг натижаларини муҳокама қилиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш

масалалари бўйича оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида мақолалар, шарҳлар ва бошқа материаллар чоп этилишини ташкил этиш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси икки ҳафта муддатда масъул ижрочиларни аниқ белгиланган ҳолда, мазкур қарор талабларига мувофиқ аниқ тадбирларни амалга оширишни назарда тутувчи ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунларини ўтказиш бўйича намунавий дастурни тасдиқласин.

6. Қўйидагилар:

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тўғрисидаги низом ва унинг таркиби 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисидаги низом ва Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссиясининг таркиби 3 ва 4-иловаларга мувофиқ;

Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тўғрисидаги низом ва унинг таркиби 5 ва 6-иловаларга мувофиқ;

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича 2017-2018 йилларга мўлжалланган дастур 7-иловага* мувофиқ;

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш схемаси 8-иловага мувофиқ;

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» доирасида тадбирларни ташкил этиш схемаси 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тузилмасида Умумий штат бирлиги доирасида 21 штат бирлигидан иборат бўлган Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш бошқармаси (кейинги ўринларда — Бошқарма) ташкил этилсин.

Бошқарманинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

ҳуқуқбузарликлар содир этилиш сабаб ва шарт-шароитларнинг, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга таъсир этувчи омилларнинг, айниқса ҳуқуқбузарликларнинг салбий динамикаси кузатилган соҳаларда тизимли таҳлилини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бошқа таркибий бўлинмалари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни барҳам топтиришга қаратилган таъсирчан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, қонун ҳужжатлари бузилишига, шунингдек ҳуқуқий нормаларни ўзбошимчилик билан, субъектив, танлов асосида талқин қилиш фактларига йўл қўймаслик ва уларни бартараф этиш, давлат идоралари ва ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини танқидий таҳлил қилиш;

* 7-илова берилмайди.

конунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг замонавий усул ва шакллари татбиқ этиш борасида таклифлар тайёрлаш;

конунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича долзарб масалалар юзасидан семинарлар, «давра суҳбатлари», конференциялар, симпозиумлар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш;

конунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш соҳасида илғор хорижий тажрибани ўрганиш, уни Ўзбекистон Республикасида жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига Бошқармага ноюрidik мутахассисликдаги (иктисодчилар, молиячилар, социологлар ва бошқалар) зарур билим ва тажрибага эга юқори малакали кадрларни ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

Бошқарма ходимларига лавозим маошининг 50 фоизи миқдорида қўшимча устама ҳақ белгилансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасига ваколатли органлар ва бошқа ташкилотлар ўртасида маълумотлар ва материалларнинг самарали алмашинувини таъминлайдиган ягона ахборот тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлашни назарда тутадиган Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мазкур қарорнинг 8-бандида назарда тутилган харажатларни қоплаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг харажатлар сметаси ва штат жадвалларига ўзгартиришлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ушбу қарордан келиб чиқадиган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритсин.

12. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 14 март,
ПҚ-2833-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 14 мартдаги
ПҚ-2833-сонли қарорига
1-ИЛОВА

**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка
қарши курашиш бўйича республика идоралараро
комиссияси тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси (кейинги ўринларда — Комиссия) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар (кейинги ўринларда — ваколатли органлар ва муассасалар) фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

2. Комиссия томонидан қабул қилинадиган қарорлар барча вазирликлар, идоралар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

3. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низом ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Комиссия ўз фаолиятини давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида, туманлар (шаҳарлар)да ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳудудий комиссиялар (кейинги ўринларда — ҳудудий комиссиялар) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

2-боб. Комиссиянинг асосий вазифалари

5. Комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:
конунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, юридик шахслар, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилишни таъминлаш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ишлаб чиқилишини ҳамда амалга оширилишини, шунингдек уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этиш;

ваколатли органлар ва муассасаларнинг фаолиятини уларнинг фаолияти самарадорлигини, яқиндан ҳамкорлиги ва иш уйғунлигини таъминлаш мақсадида мувофиқлаштириш;

хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чораларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш;

жиноятларни фош этиш, тергов қилиш, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш амалиётини ўрганиш;

жиноятлар фош этилишини ҳамда суриштирув, тергов ва суд органларидан яширинган шахсларнинг қидирувини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув ва профилактика тадбирларининг самарадорлигини ошириш;

тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни хуқуқни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш;

ваколатли органлар ва муассасаларнинг хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришдаги ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш, шунингдек хуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли органлар ва муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш;

худудий комиссияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

3-боб. Комиссиянинг хуқуқ ва мажбуриятлари

6. Комиссия қуйидаги хуқуқларга эга:

ваколатли органлар ва муассасаларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилиш;

Комиссия ваколатига кирадиган масалалар бўйича ваколатли органлар ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш масалаларида қонун ҳужжатлари ва Комиссия қарорлари бажарилмаганлиги учун тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бошқа ташкилотларга уларнинг мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш ҳақида таклифлар киритиш;

Комиссия ваколатига кирадиган масалалар бўйича давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда маълумотларни сўраш ва олиш;

Комиссия аъзоси ҳисобланмайдиган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларини Комиссия йиғилишларига таклиф этиш;

хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш ишлари ахволини ўрганиш учун ишчи комиссиялар ва (ёки) эксперт гуруҳлари ташкил этиш, шунингдек ушбу комиссия ва гуруҳлар ишига мутахассисларни жалб қилиш;

жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкам-

лаш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда фаол иштирок этган шахсларни рағбатлантириш ташаббуси билан чиқиш.

Комиссия қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Комиссия қуйидагиларга мажбур:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш бўйича қарорларини ижро этиш;

Комиссия томонидан қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назорат ва мониторингни амалга ошириш.

Комиссия зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

4-боб. Комиссия ишини ташкил этиш

8. Комиссиянинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан тасдиқланади.

9. Худудий комиссиялар раис (ички ишлар органи раҳбари), раис ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда тузилади. Худудий комиссиялар таркибига, қоида тариқасида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек меҳнат, таълимни давлат томонидан бошқариш, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш, табиатни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа давлат бошқаруви органлари раҳбарлари киритилади.

10. Комиссия ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади ва мажлисларини заруратга қараб, аммо чорақда камида бир марта ўтказилади.

11. Комиссия раис томонидан бошқарилиб, у:

Комиссия фаолиятига раҳбарлик қилади;

Комиссия ййғилишларини чақиради ва уларга раислик қилади;

Комиссия ййғилишлари кун тартибини тасдиқлайди;

Комиссия иш режаларини тасдиқлайди.

12. Комиссия ишчи органи функциясини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бажаради.

13. Ишчи орган:

Комиссия иш режаларини ишлаб чиқади, уларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширади, шунингдек тасдиқланган режага мувофиқ Комиссиянинг жорий фаолиятини ташкил этади;

Комиссия ййғилишлари кун тартибига киритиладиган масалалар бўйича материалларнинг тайёрланишини ташкил қилади;

Комиссия ваколат доирасига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди;

Комиссия қарорларининг ижроси устидан назорат ва мониторингни ташкил қилади;

келиб тушаётган хат ва ҳужжатларни кўриб чиқилишини ташкил қила-

ди, ёзишмаларни ва Комиссия ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар тайёрлашни амалга оширади;

оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

Комиссия фаолиятини ташкилий-техник таъминлашни амалга оширади.

Ишчи орган қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

14. Ваколатли органлар ва муассасалар ўз ваколатлари доирасида Комиссияга ҳар чорақда:

жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар аҳволи тўғрисидаги ҳисоботларни;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги ҳисоботларни;

жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича таклифларни тақдим этишади.

15. Комиссия қарорлари Комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Комиссия қарорлари йиғилишда иштирок этган Комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган ва Комиссия раиси томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади. Баённомани имзолашда Комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини ёзма равишда билдириш ҳуқуқига эгадир.

16. Комиссия қарорлари тегишли ваколатли органлар ва муассасаларга, шунингдек манфаатдор давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, бошқа ташкилотларга юборилади. Уларнинг раҳбарлари Комиссия қарорларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши учун жавобгардир.

Комиссия қарорларини сифатли бажариш мақсадида ваколатли органлар ва муассасалар раҳбарлари томонидан уларнинг ижро этилиши юзасидан мониторинг ва назорат ташкил этилади.

17. Комиссия иш режалари унинг аъзоларидан келиб тушган таклифлар асосида ҳар ярим йилга тузилади, Комиссия йиғилишида кўриб чиқилади ва Комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

5-боб. Суд органлари билан ҳамкорлик

18. Комиссиянинг судлар билан ҳамкорлиги суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципига риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Судлар билан ҳамкорлик қўйидаги асосий шаклларда амалга оширилади:

ахборот алмашинуви ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқишда суд-тергов статистика маълумотлари, суд амалиёти материалларидан фойдаланиш;

қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг такомиллаштирилишини

таъминлаш мақсадида норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ҳамкорликда ишлаб чиқиш;

қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар бериш тўғрисидаги қарорларини тайёрлашда иштирок этиш;

ҳамкорликда семинар, «давра суҳбати» ва конференциялар ўтказиш, ваколатли органлар ва муассасалар ходимларининг малакасини ошириш ишида иштирок этиш;

тегишли ваколатли органлар ва муассасаларга, шунингдек манфаатдор давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, бошқа ташкилотларга ҳамкорликдаги ахборот хатлари, кўрсатмалар, маълумотнома ва шарҳларни юбориш.

19. Комиссия йиғилишларида тегишли судларнинг раислари иштирок этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 14 мартдаги
ПҚ–2833-сонли қарорига
2-ИЛОВА

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ТАРКИБИ

1. Азизов А.А. — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, Комиссия раиси
2. Азимов М.Б. — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари, Комиссия раисининг ўринбосари
3. Абдуҳакимов А.А. — Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазири
4. Гулямов Р.Х. — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари
5. Тогаев К. — Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари
6. Жўраев Н.С. — Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари
7. Норматов Ш.Т. — Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари
8. Раимов Б.Я. — Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
9. Гадоев Э.Ф. — Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари
10. Баситханова Э.И. — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари
11. Кенжаев Д.М. — Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари
12. Маджидов И.У. — Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

13. Абдусаматов Б.Х. — Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси
14. Дусанов З.А. — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғи
15. Жавлонов Ш.С. — Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, «Маҳалла» фонди раиси
16. Эргашев А. — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бошлиғи, ишчи орган масъул тузилмасининг раҳбари.

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахслар ёки тегишли функцияларни бажариш юклатилган шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 14 мартдаги
ПҚ–2833-сонли қарорига
3-ИЛОВА

**Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро
комиссиялар тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссия (кейинги ўринларда — Республика комиссияси), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар (кейинги ўринларда — минтақавий комиссиялар), туман (шаҳар) (кейинги ўринларда — туман (шаҳар) комиссиялари) идоралараро комиссиялари фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Республика комиссияси, шунингдек минтақавий комиссиялар, туман (шаҳар) комиссиялари (кейинги ўринларда — ҳудудий комиссиялар) ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи органлар ҳисобланиб, улар:

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш; вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш мақсадида тузилади.

Худудий комиссиялар ўз фаолиятида юқори турувчи комиссияларга ҳисобдордир, ўз фаолияти тўғрисида ҳар чорак якунлари бўйича уларни хабардор қилиб турадилар ва ҳисобот бериб борадилар.

3. Республика комиссиясининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Республика комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади.

4. Худудий комиссиялар раис (туман (шаҳар), вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси), раис ўринбосари ва 10 — 18 нафар аъзосидан иборат таркибда тузилади.

Худудий комиссиялар аъзолари сони иш ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади.

Масъул котиб жорий ишларни ва худудий комиссия қарорларининг бажарилиши юзасидан назоратни амалга оширади.

Худудий комиссиялар таркибига тегишли равишда халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими, соғлиқни сақлаш, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, меҳнат, маданият, спорт, ички ишлар органлари, шунингдек хотин-қизлар қўмитаси, касаба уюшмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, мудофаага қўмаклашиш ташкилоти, меҳнат жамоалари, маданий-маърифий ва бошқа муассасаларнинг вакиллари киритилиши мумкин.

Худудий комиссиялар фаолияти изчил равишда ташкил этилишини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари тизимида маҳаллий бюджет ҳисобидан худудий комиссиялар масъул котиблари, шунингдек зарурият бўлганда вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспекторлар фаолият кўрсатади.

Худудий комиссиялар таркибида: вояга етмаганлар ўртасида маданий-тарбиявий ишлар бўйича, таълим муассасалари ўқувчилари билан ишлаш бўйича, вояга етмаганларни ишга жойлаштириш ва уларнинг маиший турмуши шароитларини яхшилаш масалалари бўйича, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ва тарбия колонияларидан озод қилинган вояга етмаганларни назорат қилиш бўйича секциялар ташкил этилиши мумкин.

Комиссиялар ваколатига киритилган муҳим масалаларни таҳлил қилиш ва улар юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш учун вақтинча ёки доимий ишловчи ишчи гуруҳлар ташкил этилиши мумкин.

5. Комиссияларнинг фаолияти кенг жамоатчилик иштирокида амалга оширилади. Комиссия ишига касаба уюшмалари, таълим муассасаларининг ота-оналар қўмиталари, васийлик кенгашлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳамда бошқа фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари жалб этилиши мумкин.

Комиссиялар ишлашга жалб қилинган шахслар орасидан вояга етмаганлар билан ишловчи жамоатчи инспекторлар ва жамоатчи тарбиячилар ажратадилар.

6. Комиссиялар ўз ваколатларига киритилган масалалар бўйича давлат органлари ва ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қиладилар.

Давлат органлари ва ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари комиссия қарорларини бажариш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида комиссияга ўн кунлик муддат мобайнида хабар беришлари шарт.

Худудий комиссияларни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш бўйича вазифалар тегишли равишда туманлар (шаҳарлар), вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юкланади.

2-боб. Республика комиссиясининг асосий вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар Республика комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ишлаб чиқишини ҳамда амалга оширилишини, шунингдек уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этиш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини уларнинг самарадорлигини, яқиндан ҳамкорлиги ва иш уйғунлигини таъминлаш мақсадида мувофиқлаштириш;

воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилаётган чораларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш;

тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга имконият яратаётган шарт-шароитларни аниқлашдаги ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш юзасидан чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид маълумотни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли органлар ва муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш;

худудий комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш.

8. Республика комиссияси ўзига юкланган вазифалардан келиб чиқиб: воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг про-

филактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

худудий комиссиялар ишини назорат қилади ва йўналтиради, уларнинг фаолиятини таҳлил қилади, уларга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ижобий иш тажрибасини умумлаштиради ҳамда оммалаштиради, уларга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатади;

давлат органлари ва ташкилотларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича чораларни кўради;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш, уларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликлари, ота-оналар қаровисиз қолган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш билан боғлиқ масалаларни ўрганади ва умумлаштиради;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги устувор йўналишлар бўйича ўзаро келишилган ёндашувларни ишлаб чиқади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича тадбирлар комплексини ишлаб чиқади, шунингдек ушбу тадбирларнинг амалга оширилишини назорат қилади;

ўз ваколатига киритилган муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ мақсадли дастурлар лойиҳаларини ўрганади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни таҳлил қилади;

давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий шерикликни ва фуқаролик жамияти институтлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни ривожлантириш чораларини кўради;

вояга етмаганлар ўртасидаги назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профи-

лактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасалар фаолиятини ўрганади, уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

давлат органлари ва ташкилотларнинг Республика комиссияси ваколатига кирувчи масалалар бўйича таклифларини кўриб чиқади.

Республика комиссияси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Минтақавий комиссияларнинг асосий вазифалари ва функциялари

9. Қуйидагилар минтақавий комиссияларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва тиклаш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва ташкилотларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилаётган чораларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш;

тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга имконият яратаётган шарт-шароитларни аниқлашда давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳамкорлигини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид маълумотни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли органлар ва муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш;

туман (шаҳар) комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш.

10. Минтақавий комиссиялар ўзларига юкланган вазифалардан келиб чиқиб:

Тошкент шаҳар, тегишли вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, ушбу ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш, болаларни жойлаштириш ва уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва

қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади-лар ва амалга оширадилар;

туманлар (шаҳарлар) комиссияларининг ишини назорат қилади ва йўнал-тиради, уларнинг фаолиятини таҳлил қилади, уларга ташкилий-услубий ёр-дам кўрсатади;

давлат органлари ва ташкилотларнинг ижобий иш тажрибаларини умум-лаштиради ва оммалаштиради, уларга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатади;

вояга етмаганлар ўртасидаги назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар про-филактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари-ни ҳимоя қилиш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг вояга етмаганлар ўртасида назорат-сизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркин-ликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича фао-лиятини мувофиқлаштириш бўйича чораларни кўради;

туманлар (шаҳарлар) комиссияларининг қарорларини текширади, ноқо-нуний ёки асоссиз қарорларни бекор қилади.

4-боб. Туманлар (шаҳарлар) комиссияларининг вазифалари ва функциялари

11. Қуйидагилар туманлар (шаҳарлар) комиссияларининг асосий вази-фалари ҳисобланади:

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатла-рини ҳимоя қилиш ва тиклаш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайририятимой хатти-ҳаракатларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

вояга етмаганларни тарбиялаш, ўқитиш, сақлаш (парваришлаш) шароит-лари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги муассасаларида вояга етмаганлар билан муомалада бўлиш юзасидан назоратни ташкил этиш;

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва ташкилотларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузар-ликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаш-тириш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профи-лактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилаётган чораларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш;

тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳ-лил қилиш ва бартараф этиш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда, шу-нингдек ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва бунга имконият ярата-

ётган шарт-шароитларни аниқлашда давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳамкорлигини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид ахборотни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли органлар ва ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёхуд ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларни ишга жойлаштириш ва уларнинг маиший яшаш шароитини яхшилашда ёрдам кўрсатиш, давлат ёрдамига муҳтож бўлган бошқа вояга етмаганларни жойлаштириш шакллари аниқлашда кўмаклашиш, шунингдек вояга етмаганларни ижтимоий реабилитация қилишга доир қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ишларни амалга ошириш.

12. Туманлар (шаҳарлар) комиссиялари ўзларига юкланган вазифалардан келиб чиқиб:

халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат, маданият, спорт, ички ишлар органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг болаларни тарбиялаш, уларни жойлаштириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради;

туманлар (шаҳарлар) ҳудудидаги вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, уларнинг келтириб чиқарувчи сабаблари ва шароитларини бартараф этиш, болаларни жойлаштириш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

вояга етмаганлар ўртасидаги назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

давлат ва жамоат ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганларни аниқлаш ва ҳисобга олиш тадбирларини амалга оширади;

вояга етмаганлар, педагогик жамоалар ва жамоатчилик ўртасида ҳуқуқий тарғиботни амалга оширади;

вояга етмаганларнинг, уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларнинг, шунингдек бошқа шахсларнинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқади;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларни ишга жойлаштиришга ва уларнинг маиший яшаш шароитларини яхшилашга, давлат томонидан ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаганларни жойлаштириш шакллари аниқлашга ёрдам беради;

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ко-

дексига мувофиқ комиссиялар ваколатига киритилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади;

вояга етмаганларга нисбатан таъсир кўрсатиш чораларини кўради.

Туманлар (шаҳарлар) комиссиялари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

5-боб. Туман (шаҳар) комиссияларининг назорат функциялари

13. Туман (шаҳар) комиссиялари ички ишлар органлари билан биргаликда тарбиявий таъсир қилиш ёки маъмурий жазолаш чоралари кўрилган, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган, жазога шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан олдин шартли равишда озод қилинган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган ёки тарбия колонияларида жазони ўтаган вояга етмаганларнинг хулқ-атворини кузатиб боришни ташкил этади, шунингдек ушбу тоифадаги вояга етмаганларнинг ҳисобини олиб боради.

Туман (шаҳар) комиссиялари, зарур бўлган ҳолларда, вояга етмаганларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга жойлаштириш ёки уларни таълим муассасаларига юбориш чора-тадбирларини кўрадилар.

14. Туман (шаҳар) комиссиялари болаларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ҳамда етим ва ота-она қаровисиз қолган болалар учун мўлжалланган таълим муассасаларида сақлаш, тарбиялаш ва таълим олиш шароитлари, болаларнинг истиқомат жойларида маданий дам олишлари уюштирилиши, шунингдек, зарур ҳолларда, умумтаълим мактабларида, бошқа таълим муассасаларида, маданий-маърифий муассасалар ва спорт ташкилотларида вояга етмаганлар билан тарбиявий ишлар олиб борилиши юзасидан назоратни амалга оширадилар.

Вояга етмаганни хорижий давлатдаги таълим муассасасига ўтказиш муносабати билан умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасидан чиқариш фақат таълим муассасаси жойлашган туман (шаҳар) комиссиясининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

15. Туман (шаҳар) комиссиялари ташкилотларда вояга етмаганларга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинаётганлиги, улар билан олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг ахволи, уларнинг умумтаълим, маданий ва касбий даражасини ошириш учун зарур моддий-маиший шароитлар яратиб берилганлиги юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назоратни амалга оширадилар.

Туман (шаҳар) комиссиялари, агар ишларни давом эттириш вояга етмаганларнинг соғлиғига хавф соладиган ёки улар учун бошқача зиён келтирадиган бўлса, вояга етмаганлар ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир.

16. Туман (шаҳар) комиссиялари мазкур туман (шаҳар) ҳудудида жойлашган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида, тарбия колония-

ларида, ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмаларида ва вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида тарбиявий ишлар, умумий таълим ва касб-ҳунар ўқувларининг олиб борилиши, уларни сақлаш ва меҳнатининг тўғри ташкил этилиши юзасидан доимий назоратни амалга оширадilar, шунингдек ушбу муассасаларга кўрсатиб ўтилган ишларни амалга оширишда ёрдам кўрсатадилар.

6-боб. Туман (шаҳар) комиссияларининг ҳуқуқлари

17. Туман (шаҳар) комиссиялари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органлари ва ташкилотларда вояга етмаганларни сақлаш, тарбиялаш ва ўқитиш шароитларини назорат қилиш;

етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар учун таълим муассасаларида, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида, тарбия колонияларида ҳамда ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида вояга етмаганларни сақлаш ва тарбиялаш шароитларини, шунингдек ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларидаги ишларнинг ҳолатини текшириш;

умумтаълим мактаблари ва бошқа таълим муассасаларида, маданий-маърифий муассасаларда, шунингдек вояга етмаганлар ишлаётган корхоналар, муассасалар, ташкилотларда вояга етмаганлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг аҳволини текшириш;

янги уй-жой мавзелари ва туманларни қуриш лойиҳалаштирилганда ўйин ва спорт майдончалари, болалар стадионлари ва болалар дам олиш зоналари қуриш учун ер майдонлари ажратилишини назорат қилиб бориш;

давлат органлари ва ташкилотлардан комиссиялар иши учун зарур бўлган маълумотларни олиш;

кўриб чиқиладиган масалалар бўйича ахборот ва тушунтиришлар олиш учун ўз мажлисларига мансабдор шахсларни, мутахассисларни ва бошқа шахсларни таклиф этиш;

комиссия мажлисларида тегишли давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарларининг вояга етмаганларни сақлаш ва тарбиялаш шароитларига оид масалалар юзасидан ахборотларини эшитиш;

вояга етмаганларни, ота-оналарни шахсан қабул қилиш, уларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш, уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдлари билан танишиш;

зарур тайёргарликка, ҳаётий тажрибага ёки болалар билан ишлаш тажрибасига эга бўлган фуқароларни уларнинг розилиги билан ота-оналарга ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларни қайта тарбиялашда ёрдам бериш учун жалб этиш;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги хабарлар юзасидан тегишли чоралар кўриш;

вояга етмаганлар билан тарбиявий иш олиб бориш, уларни ўқишга юбориш ва ишга жойлаштириш масалалари юзасидан давлат органлари ва ташкилотларга тақдимномалар киритиш;

вояга етмаганларни афв этиш тўғрисида илтимос қилиш, уларни жавобгарликдан озод қилиш, уларга анча енгилроқ бўлган жазони қўллаш, уларни шартли равишда ҳукм этиш, судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш тўғрисидаги тавсияномалар билан жиноий ишлар бўйича туман (шаҳар) судига мурожаат қилиш; жазони ижро этувчи орган билан биргаликда вояга етмаганларни жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш тўғрисида жиноий ишлар бўйича туман (шаҳар) судига тақдимномалар киритиш; ички ишлар органи билан биргаликда озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги ҳукмнинг ижросини кечиктиришни бекор қилиш ҳамда маҳкумни ҳукмда белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ учун юбориш тўғрисида жиноий ишлар бўйича туман (шаҳар) судига тақдимнома киритиш; тарбия колониясининг маъмуриятига озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ўташ вақтида сақлаб туриш шароитларини ўзгартириш ҳақида жиноий ишлар бўйича туман (шаҳар) судига тақдимнома киритиш тўғрисида розилик бериш;

вояга етмаганлар билан тарбиявий иш олиб боришнинг, улар касб-хунар таълимининг, уларни ишга жойлаштириш ва ўқишга юборишнинг аҳволи тўғрисидаги масалаларни туман (шаҳар) ҳокимликларига кўриб чиқиш учун киритиш;

тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга уларнинг комиссиялар қарорларини бажармаган, шунингдек комиссиянинг тақдимномасида кўрсатилган вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўрмаган мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш тўғрисида тақдимнома киритиш.

Республика комиссияси, минтақавий комиссиялар ўз функцияларини бажаришда ушбу бандда назарда тутилган ҳуқуқлардан ҳам фойдаланадилар.

7-боб. Вояга етмаганларни жойлаштириш чора-тадбирлари

18. Туман (шаҳар) комиссиялари таълим, меҳнат, соғлиқни сақлаш, ички ишлар органлари билан биргаликда ва жамоатчиликнинг фаол иштирокида етим ва ота-она қаровисиз қолган болаларни; вояга етмаганларни ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилаларни; таълим муассасаларида машғулотларга узрли сабабсиз мунтазам бормайдиган вояга етмаганларни, шунингдек давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бўлган бошқа вояга етмаганларни аниқлайдилар ва ҳисобга қўйдилар ҳамда уларни жойлаштириш чора-тадбирларини кўрадилар.

19. Туман (шаҳар) комиссияларининг вояга етмаганларни жойлаштириш шакли кўрсатилган қарорлари:

1) таълим органларига:

болаларни умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежларига жойлаштириш учун;

жисмоний ёки ақлий ривожланишида етишмовчилиги бор болаларни ихтисослаштирилган умумтаълим мактабларига ва бошқа тегишли ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш учун;

2) васийлик ва ҳомийлик органларига — етим ва ота-она қарамогисиз қолган болаларни жойлаштириш учун;

3) соғлиқни сақлаш органларига — ногирон болаларни жойлаштириш, спиртли ичимликлар, гиёҳванд воситалар, психотроп ёки интеллектуал-ўзини идора қилиш фаолиятига таъсир этадиган бошқа моддаларни мунтазам истеъмол қиладиган вояга етмаганларни даволашни, ривожланишида ёки хулқ-атворида нуқсонлари бўлган вояга етмаганларга ихтисослаштирилган диагностика ва даволаш-тиклаш ёрдами кўрсатишни ташкил этиш учун;

4) ички ишлар органларига — вояга етмаганлар ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилалар билан якка тартибда профилактика ишлари олиб боришни ташкил этиш учун;

5) корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига (меҳнат органларидан бўш иш жойлари ва бўш лавозимлар борлиги тўғрисида маълумотлар олингандан кейин) — ишга қабул қилиш учун юборилади.

8-боб. Комиссиялар томонидан кўриб чиқиладиган ишлар

20. Туман (шаҳар) комиссиялари зиммасига қуйидаги вояга етмаганлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш юкланади:

ўн тўрт ёшга тўлмасдан ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, ўн уч ёшга тўлгандан кейин оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдирган вояга етмаганлар бундан мустасно;

ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган даврда жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган;

ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган даврда жиноят аломатлари бўлган қилмишлар содир этиб, уларга нисбатан жиноий иш қўзғатиш рад қилинган ёки жиноий иш тугатилган;

ўн олти ёшгача бўлган даврда йўл ҳаракати қоидаларини бузган;

бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган;

умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълим муассасаларида (умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида) ўқишдан бош тортган;

ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этганлиги учун қонунчиликка асосан жавобгарликдан озод қилинган;

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган.

9-боб. Таъсир кўрсатиш чоралари ва уларни қўллаш тартиби

21. Туман (шаҳар) комиссиялари ушбу Низомнинг 20-бандида назарда тутилган ҳолларда вояга етмаганларга нисбатан таъсир кўрсатиш чоралари сифатида қуйидагиларга ҳақли:

вояга етмаганга жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш тўғрисида туман (шаҳар) судига тақдимнома киритиш;

огоҳлантириш чиқариш;

ўн беш ёшга тўлган вояга етмаган зиммасига, агар у мустақил иш ҳақига эга бўлса ва зарар миқдори белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаса етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки уни бартараф этиш мажбуриятини юклаш ёки белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан ортиқ бўлмаган моддий зарарни ўз меҳнати билан қоплаш мажбуриятини юклаш тўғрисида туман (шаҳар) судига тақдимнома киритиш;

ўн олти ёшга тўлган ва мустақил иш ҳақига эга бўлган вояга етмаганга Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига назарда тутилган ҳолларда ва миқдорларда жарима солиш;

вояга етмаганни ўз ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёхуд жамоат тарбиячилари назоратига, шунингдек уларнинг розилиги билан меҳнат жамоаси ёки нодавлат нотижорат ташкилоти кузатувиغا топшириш;

вояга етмаганни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома юбориш.

Ҳар бир аниқ ҳолат бўйича қабул қилинган таъсир кўрсатиш чоралари тўғрисида туман (шаҳар) комиссиялари вояга етмаганнинг яшаш, ўқиш ёки иш жойи бўйича ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари томонидан вояга етмаганлар ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда яқка тартибда профилактика ишларини олиб бориш масаласини ҳал этиш учун тегишли ҳудудий ички ишлар органларига хабарнома юборишга мажбур.

22. Туман (шаҳар) комиссиялари вояга етмаганларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нисбатан, вояга етмаган шахсни сақлаш, тарбиялаш ва ўқитиш бўйича ўз вазифаларини бажаришдан бош тортганлиги ёки ўз вазифаларини зарур даражада бажармаганлиги ёхуд вояга етмаганларнинг хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатганлиги ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлганлиги учун, шунингдек вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги учун қуйидаги таъсир кўрсатиш чораларини қўллаши мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига белгиланган миқдорларда жарима солиш;

истисно ҳолларда, боланинг ҳаётига ёки соғлиғига бевосита хавф мавжуд бўлганда иш суд томонидан ҳал этилгунга қадар болани вақтинча ота-онасидан ёки бола уларнинг васийлигида бўлган бошқа шахслардан олиб қўйиш тўғрисида васийлик ва ҳомийлик органларига илтимоснома киритиш.

Комиссия ота-оналарнинг муомала лаёқатини чекланган деб топиш, уларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш, болаларни ота-оналаридан уларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этмасдан олиб қўйиш, шунингдек агар болаларнинг ота-оналари ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлиб, шу болалари билан биргаликда яшашлари мумкин эмас деб топилса, уларни бошқа турар жой бермасдан кўчириб юбориш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

23. Вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига юбориш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда комиссиянинг илтимосномаси асосида чиқарилган жиноий ишлар бўйича туман (шаҳар) судининг ажрими бўйича амалга оширилиши мумкин.

24. Туман (шаҳар) комиссиялари ўз болаларини тарбиялашга нотўғри муносабатда бўлаётган ёки комиссия чиқарган қарорнинг бажарилишига тўсқинлик қилаётган ота-оналарга ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нисбатан таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш ҳақида, шунингдек болаларнинг ҳуқуқбузарликлар қилишлари учун шароит яратиб бераётган ёхуд вояга етмаганларни жиноят ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар қилишга ундаётган ёки жалб этаётган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли давлат органларига тақдимнома киритадилар.

25. Ушбу Низомнинг 21-бандида назарда тутилган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилаётганда туман (шаҳар) комиссияси ҳуқуқбузарликнинг хусусияти, даражаси ва сабабларини, вояга етмаганнинг ёшини ва унинг ҳаёт шароитларини, унинг ҳуқуқбузарлик қилишда қай даражада иштирок этганлигини, шунингдек унинг турмушидаги, таълим муассасасидаги ва ишдаги хулқ-атворини албатта ҳисобга олиши лозим.

Туман (шаҳар) комиссиясининг огоҳлантириш бериш тўғрисидаги қарори бир йил мобайнида амал қилади. Агар таъсир кўрсатиш чораси қўлланилган вояга етмаган шу муддат ичида янги ҳуқуқбузарлик содир этмаса таъсир кўрсатиш чораси тугалланган ҳисобланади. Таъсир кўрсатиш чорасини қўллаган комиссия ўз қарорига биноан, агар ана шундай таъсир кўрсатиш чораси қўлланилган вояга етмаган намунали ахлоқи билан ўзини кўрсатса, таъсир кўрсатиш чорасини бир йил ўтмасдан ҳам бекор қилиши мумкин.

Туман (шаҳар) комиссиясининг вояга етмаганни ўз ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёхуд жамоат тарбиячилари назоратига ёки меҳнат жамоаси, нодавлат ноижорат ташкилоти кузатувиغا топшириш тўғрисидаги қарорининг амал қилиш муддати, агар вояга етмаган ўзининг намунали ахлоқи ва ишга ҳамда ўқишга бўлган ҳалол муносабати билан ўзининг тузалганлигини исботласа, мазкур шахслар ёки ташкилотлар илтимосномасига биноан исталган вақтда бекор қилиниши мумкин.

Танлаб олинган тарбиявий таъсир кўрсатиш чораси вояга етмаганга таъсир қилмаган тақдирда комиссия бундай вояга етмаганга нисбатан ушбу Низомнинг 21-бандида кўрсатилган таъсир кўрсатиш чораларидан қаттиқроғини қўллашга ҳақлидир.

26. Туман (шаҳар) комиссиясининг жарима солиш тўғрисидаги қарори

шу қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун мобайнида ана шундай жарима солинган шахс томонидан тўланиши лозим, бундай қарор устидан шикоят ёки протест берилган тақдирда эса, мазкур шикоят ёки протест қондирилмаганлиги ҳақида маълумотнома олинган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланади.

Туман (шаҳар) комиссиясининг қарори билан солинган жарима тегишли банк муассасасига тўланади.

Жарима муддатида тўланмаган тақдирда туман (шаҳар) комиссиясининг жарима солиш тўғрисидаги қарори жарима суммасини суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга мувофиқ жарима солинган шахснинг иш ҳақидан ёки бошқа маошидан, пенсияси ёки стипендиясидан мажбурий тартибда ушлаб қолиш учун юборилади.

Агар жарима солинган шахс ишламаётган бўлса ёки солинган жаримани бошқа сабабларга кўра унинг иш ҳақидан ёки бошқа маошидан, пенсияси ёки стипендиясидан ундириб олишнинг иложи бўлмаса, жарима туман (шаҳар) комиссиясининг жарима солиш тўғрисидаги қарори асосида ундирувни ҳуқуқбузарнинг мол-мулкига, шунингдек унинг умумий мулкдаги улушига қаратиш йўли билан суд ижрочиси томонидан ундириб олинади.

27. Вояга етмаганлар ихтисослаштирилган мактабларда ўн олти ёшга етгунгача, ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларида эса, ўн саккиз ёшга етгунгача сақланадилар.

Истисно ҳолларда ўқувчиларни ихтисослаштирилган мактабларда сақлаш муддати улар ўн етти ёшга етгунгача узайтирилиши мумкин.

Вояга етмаганлар ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ахлоқан тузалгунларигача сақланади, лекин бу муддат уч йилдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари жойлашган жойдаги туман (шаҳар) комиссияси ўқувчига кўрсатиб ўтилган муассасаларда жорий ўқув йилида ўрта умумтаълим мактаби ёки касб-хунар коллежининг тегишли синфини тугаллагунгача уч йил муддат ўтгандан кейин ҳам қолишга рухсат бериши мумкин.

Ихтисослаштирилган мактабларни тамомлаган, аммо ахлоқан тузалмаган ўқувчилари шу мактаблар жойлашган жойдаги туман (шаҳар) комиссияси томонидан ихтисослаштирилган махсус касб-хунар коллежларига юборилиши мумкин.

Вояга етмаганларнинг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида бундан кейин бўлишларининг мақсадга мувофиқ-номувофиқлиги масаласи вақти-вақти билан, лекин йилига камида бир марта шу муассасалар жойлашган жойдаги туман (шаҳар) комиссиялари томонидан, мазкур туман (шаҳар) комиссияларининг ўз ташаббуси билан, ана шу муассасалар маъмуриятларининг тақдимномаси ёки вояга етмаганларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар илтимосномасига биноан кўриб чиқилади.

28. Вояга етмаганнинг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасида бўлиши педагоглар кенгашининг шу муассаса раҳбари томонидан тасдиқлан-

ган қарори асосида мазкур муассаса жойлашган жойдаги туман (шаҳар) комиссиясининг қарори билан тўхтатилади, бу ҳақда вояга етмаган шу муассасадан чиққунга қадар камида бир ой олдин унинг яшаб турган жойидаги комиссияга хабар берилади, комиссия вояга етмаганни ишга жойлаштириш ёки таълим муассасасига юбориш ҳамда унга зарур моддий-маиший шароитлар яратиш юзасидан чора-тадбирлар кўриши шарт.

29. Агар вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасидан, етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар учун мўлжалланган таълим муассасасидан чиқарилганидан кейин, уни ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қонунда белгиланган тартибда ота-оналик ёки васийлик ҳуқуқларидан маҳрум этилганлиги туфайли улар ҳузурига юбориш мумкин бўлмаса, шунингдек унинг аввалги истиқомат жойига келиши бир қанча сабабларга кўра (ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар йўқлиги, турмуши ва меҳнат қилиши ҳамда бундан кейин тарбияланиши учун қулай шароитлар йўқлиги сабабли) мумкин бўлмаса, ушбу муассаса жойлашган жойдаги туман (шаҳар) комиссияси вояга етмаганни мазкур шахсининг маиший яшаш шароитини яхшилаш, уни ўқиш ёки ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўради. Зарур ҳолларда туман (шаҳар) комиссияси вояга етмаган шахсга васий, ҳомий тайинлаш тўғрисидаги тақдимнома билан тегишли туман (шаҳар) ҳокимлигига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Ушбу масалаларни ҳал қилишда мазкур бандда кўрсатилган муассасалар жойлашган жойдаги туман (шаҳар) комиссияси вояга етмаган илгари яшаб келган жойдаги ёки унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар турган жойдаги комиссиянинг тегишли хулосасини олиши лозим.

30. Тарбия колониясидан озод бўлган вояга етмаган истиқомат қилаётган жойдаги комиссия у ўн саккиз ёшга етгунгача уни ишга ёки ўқишга жойлаштириш чораларини кўради ва унинг ахлоқини назорат қилиб боради.

Озод бўлган вояга етмаганнинг ўз ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар ҳузурига қайтишига уларнинг йўқлиги ёхуд ота-оналик ҳуқуқидан ёки васийлик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги муносабати билан имкони бўлмаса, озод бўлган вояга етмаганнинг илгари яшаб келган жойидаги комиссия тарбия колонияси маъмуриятининг тақдимномасига биноан уни ихтисосига мувофиқ келадиган ишга ёки ўқишга жойлаштириш, шунингдек унга тегишли уй-жой-маиший шароитлар яратиш чора-тадбирларини кўради.

Тарбия колониясидан озод бўлган вояга етмаганни тарбиявий мулоҳазалар сабабли илгариги истиқомат жойига юбориш мақсадга мувофиқ эмас деб топилган истисно ҳолларда уни жойлаштириш тарбия колонияси маъмуриятининг тақдимномасига биноан шу тарбия колонияси жойлашган жойдаги комиссия томонидан амалга оширилади.

Туман (шаҳар) комиссияси озод бўлган вояга етмаганни у ёрдам сўраб мурожаат қилган кундан бошлаб ўн кун муддатдан кечиктирмай жойлаштириш масаласини ҳал қилиши шарт.

10-боб. Худудий комиссиялар томонидан ишларни тайёрлаш ва кўриб чиқиш

31. Худудий комиссиялар:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган тартибда топширилган ишларни;

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни;

ички ишлар органлари, таълим муассасалари тақдимномаси бўйича берилган ишларни;

касаба уюшмалари, таълим муассасалари ҳузуридаги ота-оналар кўмиталари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари тақдимномаси бўйича топширилган ишларни;

фуқароларнинг аризалари бўйича кўриладиган ишларни;

ўз ташаббуси билан кўриладиган ишларни кўриб чиқадилар.

Худудий комиссиялар ишларни улар комиссияга тушган пайтдан бошлаб кўпи билан ўн беш кун муддатда кўриб чиқадилар.

32. Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқбузарликлари тўғрисидаги туман (шаҳар) комиссияси кўриб чиқиши лозим бўлган материаллар комиссиянинг раиси ёки унинг ўринбосари томонидан олдиндан ўрганиб чиқилади ва у томонидан:

ишни комиссия мажлисида кўриб чиқиш;

ишга оид материалларни қўшимча равишда текшириш ёки тушган аризалар, тақдимномалар бўйича текшириб чиқиш ҳусусида қарор қабул қилади.

33. Ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш комиссияда кўриб чиқилгунга қадар вояга етмаган ўз ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар назоратига топширилиши мумкин, етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар учун таълим муассасаларида ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланувчи вояга етмаган эса, шу муассасалар маъмуриятининг назоратига берилиши мумкин.

Ишини худудий комиссия кўриб чиқиши керак бўлган вояга етмаган унинг руҳий жиҳатдан соғлом эканлигига шубҳа туғилган тақдирда, тиббиёт текширувидан ўтиш учун юборилади.

34. Худудий комиссия ишларни тайёрлаш ва кўриб чиқиш пайтида вояга етмагanning ёшини, машғулотини, яшаб турган ва тарбияланаётган шароитини, ҳуқуқбузарлик қилганлиги фактини ва унинг мазмунини тасдиқловчи маълумотларни, ҳуқуқбузарлик қилишга даъват этган катта ёшдаги кишилар ва бошқа қатнашчилар бўлган-бўлмаганлигини, вояга етмаганга илгари таъсир кўрсатиш чораси қўлланилган-қўлланилмаганлигини аниқлаши зарур.

Худудий комиссия вояга етмагanning ҳуқуқбузарликлар содир этишига олиб келган сабаб ва шароитларни текшириб, уларни бартараф этиш чоратадбирларини кўриши шарт.

35. Худудий комиссия зарур маълумот ва хужжатларни талаб қилиб

олиши, шунингдек ҳудудий комиссияда кўрилаётган масалалар юзасидан изоҳлар олиш учун мансабдор шахслар ва фуқароларни чақириши мумкин.

Мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳудудий комиссия чақириғи бўйича узрсиз сабаблар билан келмаган тақдирда ҳудудий комиссия ишни кўриб чиқишни қолдириши, уларни ишлаётган ёки ўқиётган жойидаги маъмурият, нодавлат нотижорат ташкилотлари орқали келтиришни таъминлаш чораларини кўриши мумкин.

Иши кўрилаётган вояга етмаган, шунингдек унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ҳудудий комиссия мажлисига узрсиз сабаблар билан келишдан бош тортган тақдирда улар ички ишлар органлари орқали ҳудудий комиссиянинг асосланган қарори бўйича олиб келиниши мумкин.

36. Иш кўришга тайёр деб топилгач, шу ишни тайёрлаш вазифаси топширилган ҳудудий комиссия раиси, раис ўринбосари ёки аъзоси иш кўриб чиқилишидан олдин вояга етмаганни, унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни, зарур ҳолларда эса таълим муассасаларининг вакиллари ҳам барча материаллар билан таништириб чиқади, ҳудудий комиссия мажлисига кимларни чақириш кераклигини аниқлаб олади ҳамда иш кўриладиган вақт ва жойни белгилайди.

Ҳудудий комиссия мажлиси бўладиган вақт ва жой ҳақида ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларга маълум қилинади.

37. Комиссиянинг мажлиси комиссия таркибининг яримдан кўпи ҳозир бўлган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

Комиссиянинг мажлисида иши кўрилаётган вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, зарур ҳолларда эса таълим муассасаларининг вакиллари бўлиши шарт.

Ҳукм этилган вояга етмаганларни жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш, уларга тайинланган жазони енгилроқ жазо билан алмаштириш тўғрисидаги жиной ишлар бўйича туман (шаҳар) судига илтимосномаларни ва маҳкумлар хусусидаги бошқа илтимосномаларни қўзғатиш масалаларини кўриб чиқишда комиссия мажлисида тарбия колонияси маъмуриятининг вакили ва маҳкумнинг ўзи ҳозир бўлиши шарт.

Агар ҳолатларни текшириб чиқиш ва муҳокама қилиш вояга етмаганга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, комиссия материалларни мажлисда вояга етмаганнинг иштирокисиз кўриб чиқишга ҳақлидир.

38. Комиссиялар вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлари тўғрисидаги ўзларига тегишли ишларни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига назарда тутилган тартибда кўриб чиқади.

39. Ҳудудий комиссия иш юзасидан тўпланган материалларни кўриб чиқади, вояга етмаганнинг, унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг, жабрланганнинг, гувоҳларнинг тушунтиришларини тинглайди ва ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама кўриб чиққач, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

ушбу Низомнинг 21 ва 22-бандларида назарда тутилган таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш;

ишни тугатиш;

ишни кўришни қолдириб, қўшимча текширув ўтказиш;

ишни тергов ёки суриштирув органларига топшириш.

40. Худудий комиссия мажлисида баённома тузилади, унда мажлис бўлган сана ва жой, кўриб чиқиладиган ишнинг мазмуни, ишни кўришда қатнашаётган шахсларнинг мажлисга келган-келмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар, улар берган изоҳларининг қисқача мазмуни, ишга оид бошқа маълумотлар, шунингдек қабул қилинган қарорни ўқиб эшиттириш ва унинг юзасидан шикоят бериш тартиби ва муддатларини тушунтириш тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Баённома раислик қилувчи ва худудий комиссиянинг масъул котиби томонидан имзоланади.

Худудий комиссия иши кўриладиган шахсларнинг ўқиш ёки яшаш жойида сайёр мажлислар ўтказиши мумкин.

41. Худудий комиссия қарорлари оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Худудий комиссия қарори ёзма шаклда, далиллар билан асосланган бўлиши лозим.

Таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорда:

худудий комиссиянинг номи; ишни кўриб чиқиш санаси; иши кўриб чиқиладиган шахс тўғрисидаги маълумотлар; ишни кўриб чиқиш чоғида аниқланган ҳолатлар; мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат, иш юзасидан қабул қилинган қарор кўрсатилади.

Қарор раислик қилувчи ва худудий комиссиянинг масъул котиби томонидан имзоланади ва қабул қилингандан кейин эълон қилинади.

Худудий комиссия қарорининг нусхаси уч кун мобайнида вояга етмаганга, унинг ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга, зарур ҳолларда эса, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларга топширилади ёки почта орқали юборилади.

Қабул қилинган қарор тўғрисида худудий комиссия вояга етмаган ҳуқуқбузарнинг ишлаб, ўқиб турган жойига ёки яшаш жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, шунингдек унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар яшаб турган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига хабар беради.

42. Жиноий ишлар бўйича туман (шаҳар) судининг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига юбориш тўғрисидаги қарори бажарилишини таъминлаш учун вояга етмаган ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилиши мумкин, у бу ерда барча зарур ҳужжатлар расмийлаштирилгунгача, Халқ таълими вазирлиги ёки Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан йўлланма олингунгача, кўпи билан ўттиз кун сақланади.

Истисно ҳолларда вояга етмаганнинг ички ишлар органларининг вояга

етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида туриш муддати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўпи билан ўн беш кунга узайтирилиши мумкин.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари вояга етмаган учун шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини расмийлаштиришни тугаллайдилар ҳамда Халқ таълими вазирлиги ёки Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан йўлланма олинганидан кейин вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия материаллари бўйича жинойий ишлар бўйича туман (шаҳар) судининг чиқарилган ажрими асосида вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига келтирадилар.

43. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи шароитлар ва сабабларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида ҳудудий комиссиялар ўз мажлисларида кўриб чиқилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ҳисобини юритадилар ва туман (шаҳар), вилоят, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси доирасида ушбу ҳисобга олиш маълумотларини ҳар чоракда умумлаштириб борадилар.

44. Ҳудудий комиссия қарори устидан мазкур қарор кимга нисбатан чиқарилган бўлса, ўша шахс, жабрланувчи, шунингдек уларнинг қонуний вакиллари ва адвокат томонидан юқори комиссияга ёки судга шикоят берилиши мумкин.

Ҳудудий комиссия қарори юзасидан шикоят юқори комиссияга у чиқарилган кундан бошлаб ўн кун муддатда берилиши мумкин. Юқори комиссиянинг шикоят бўйича қарори ўн беш кундан кечикмай қабул қилиниши керак ва у узил-кесил ҳисобланади.

Ҳудудий комиссия қарори юзасидан судга шикоят бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳудудий комиссиянинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарган қарори юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилган тартибда шикоят берилиши мумкин.

Ҳудудий комиссиянинг қарори ва шикоят бўйича чиқарилган қарор юзасидан прокурор протест билдириши мумкин. Прокурорнинг протест билдириши шу протест кўриб чиқилгунга қадар комиссия қарорининг ва шикоят юзасидан чиқарилган қарорнинг ижросини тўхтатиб туради.

45. Республика комиссияси томонидан ишларнинг тайёрланиши ва кўриб чиқилиши ушбу бобда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 14 мартдаги
ПҚ-2833-сонли қарорига
4-ИЛОВА

**Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика
идоралараро комиссияси
ТАРКИБИ**

1. Суннатов У.Дж. — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари, Комиссия раиси
2. Назармухамедов Д.А. — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, Комиссия раисининг ўринбосари
3. Алимова Г.З. — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмитаси раисининг ўринбосари
4. Турсунбоев Ш.М. — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмитаси раисининг ўринбосари
5. Лавозими бўйича — Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг ўринбосари
6. Турдиев Ф.К. — Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раисининг ўринбосари
7. Кенжаев Д.М. — Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари
8. Салимов У.З. — Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари
9. Усманов А.А. — Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари
10. Низамов Б.М. — Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазирининг ўринбосари
11. Баситханова Э.И. — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари
12. Турсунов Ё.Э. — Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари
13. Маруфова Г.М. — Ўзбекистон хотин қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари
14. Мансуров К.Т. — Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг ўринбосари
15. Аллаев Д.Х. — «Маҳалла» фонди раисининг биринчи ўринбосари
16. Лавозими бўйича — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг раиси
17. Убайдуллаева Р.А. — «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази директори
18. Юсупов О.О. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича Қўмита раиси
19. Лавозими бўйича — Республика маънавият тарғибот маркази раҳбари

20. Юсупова И.Т. — Оилалар ва болаларни қўллаб-қувватлаш уюшмаси раиси
21. Инамова С.Т. — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия Фонди раиси
22. Астонов С.М. — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи, ишчи орган масъул тузилмасининг раҳбари.

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахслар ёки тегишли функцияларни бажариш юклатилган шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 14 мартдаги
ПҚ–2833-сонли қарорига
5-ИЛОВА

**Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика
идоралараро комиссияси тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси (кейинги ўринларда — Комиссия) одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

2. Комиссия томонидан қабул қилинадиган қарорлар барча вазирликлар, идоралар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

3. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низом ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Комиссия ўз фаолиятини давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида, туманлар (шаҳарлар)да тузиладиган одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий комиссиялар (кейинги ўринларда — ҳудудий комиссиялар) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

2-боб. Комиссиянинг асосий вазифалари

5. Комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:
одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа

дастурлар ишлаб чиқилишини ҳамда амалга оширилишини, шунингдек уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этиш;

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолият самарадорлигини, яқин ҳамкорлигини ва иш уйғунлигини таъминлаш мақсадида уларнинг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

одам савдосига қарши курашиш бўйича кўрилаётган чораларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш;

одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фош этиш, тергов қилиш, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш амалиётини ўрганиш;

тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш;

одам савдосига имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг одам савдосига қарши курашиш борасидаги ҳамкорлигини яхшилаш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

одам савдосига қарши курашиш борасидаги ахборотни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли давлат органлари ва ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш;

одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни химоя қилиш ишларини яхшилаш, одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

одам савдосига қарши курашиш масалалари тўғрисида аҳолини хабардор қилиш борасидаги тадбирларни ташкил этиш;

одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни химоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар фаолиятига раҳбарлик қилиш ва улар фаолиятини назорат қилиш;

худудий комиссияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

3-боб. Комиссиянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6. Комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эга:

одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи давлат органлари ҳамда одам савдосига қарши курашиш бўйича худудий комиссияларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилашга қаратилган қарорлар қабул қилиш;

Комиссия ваколатига кирадиган масалалар бўйича вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларидан белгиланган тартибда ахборотни сўраш ва олиш;

одам савдосининг кўлами, ҳолати ва тенденциялари таҳлили натижалари

ридан келиб чиқиб, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш ишларини яхшилаш, шунингдек одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи давлат органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

Комиссия фаолиятининг муҳим масалаларини ўрганиш ва таклифлар тайёрлаш бўйича ишчи комиссиялар ва (ёки) эксперт гуруҳларини тузиш, шунингдек ушбу комиссия ва гуруҳлар ишига мутахассисларни жалб қилиш;

одам савдосига қарши курашиш масалаларида қонун ҳужжатлари ва Комиссия қарорлари бажарилмаганлиги учун тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бошқа ташкилотларга уларнинг мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш ҳақида таклифлар киритиш;

Комиссия аъзоси ҳисобланмайдиган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларини Комиссиянинг мувофиқлаштирувчи йиғилишларига таклиф этиш;

одам савдосига қарши курашишда фаол иштирок этаётган шахсларни рағбатлантириш ташаббуси билан чиқиш.

Комиссия қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Комиссия қуйидагиларга мажбур:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг одам савдосига қарши курашиш ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган тadbирларни ташкил этиш бўйича қарорларини ижро этиш;

Комиссия томонидан қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назорат ва мониторингни амалга ошириш.

Комиссия зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

4-боб. Комиссия ишини ташкил этиш

8. Комиссиянинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

9. Худудий комиссиялар раис (ички ишлар органи раҳбари), раис ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда тузилади. Худудий комиссиялар таркибига, қоида тариқасида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек меҳнат, таълимни давлат томонидан бошқариш, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш, бошқа давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари киритилади.

10. Комиссия ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади ва мажлисларини заруратга қараб, аммо чоракда камида бир марта ўтказилади.

11. Комиссия раис томонидан бошқарилиб, у:

Комиссия фаолиятига раҳбарлик қилади;

Комиссия йиғилишларини чақиради ва уларга раислик қилади;

Комиссия йиғилишлари кун тартибини тасдиқлайди;

Комиссия иш режаларини тасдиқлайди.

12. Комиссия ишчи органи функциясини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда — ишчи орган) бажаради.

13. Ишчи орган:

Комиссия иш режаларини ишлаб чиқади, уларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширади, шунингдек тасдиқланган режага мувофиқ Комиссиянинг жорий фаолиятини ташкил этади;

Комиссия йиғилишлари кун тартибига киритиладиган масалалар бўйича материалларнинг тайёрланишини ташкил қилади;

Комиссия ваколат доирасига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди;

Комиссия қарорларининг ижроси устидан назорат ва мониторингни ташкил қилади;

келиб тушаётган хат ва ҳужжатларнинг кўриб чиқилишини ташкил қилади, ёзишмаларни ва Комиссия ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар тайёрлашни амалга оширади;

оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

Комиссия фаолиятини ташкилий-техник таъминлашни амалга оширади.

Ишчи орган қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

14. Одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи давлат органлари ўз ваколатлари доирасида Комиссияга ҳар чоракда:

одам савдосига қарши курашиш ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни;

одам савдоси билан боғлиқ бўлган жиноятларни содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича таклифларни тақдим этади.

15. Комиссия қарорлари Комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Комиссия қарорлари йиғилишда иштирок этган Комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган ва Комиссия раиси томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади. Баённомани имзолашда Комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини ёзма равишда билдириш ҳуқуқига эгадир.

16. Комиссия қарорлари одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи давлат органлари ҳамда манфаатдор давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бошқа ташкилотларга юборилади. Уларнинг раҳбарлари Комиссия қарорларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши учун жавобгардир.

Комиссия қарорларини сифатли бажариш мақсадида одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи давлат органлари раҳбарлари томонидан уларнинг ижро этилиши юзасидан мониторинг ва назорат ташкил этилади.

17. Комиссия иш режалари унинг аъзоларидан келиб тушган таклифлар асосида ҳар ярим йилга тузилади, Комиссия йиғилишида кўриб чиқилади ва Комиссия раиси томонидан тасдиқланади.


Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 14 мартдаги
ПҚ-2833-сонли қарорига
6-ИЛОВА

**Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика
идоралараро комиссияси
ТАРКИБИ**

1. Назармухамедов Д.А. — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, Комиссия раиси
2. Азимов М.Б. — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари, Комиссия раиси ўринбосари
3. Жўраев Н.С. — Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари
4. Бекенов Х.С. — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари
5. Хаджибаев А.М. — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари
6. Низомов Б.М. — Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазирининг ўринбосари
7. Вахабов Ж.А. — Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари
8. Эминжанов Р.О. — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари қўмондони
9. Раимов Б.Я. — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
10. Турсунов Ё.Э. — Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари
11. Маруфова Г.М. — Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари
12. Саидов А.Х. — Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори
13. Мирзаджанова Д.М. — «Маҳалла» фонди раисининг ўринбосари
14. Лавозими бўйича — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг раиси
15. Муҳаммадиев У.Н. — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)
16. Убайдуллаева Р.А. — «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори
17. Нурмухаммедов Т.А. — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғи, ишчи орган масъул тузилмасининг раҳбари.

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахслар ёки тегишли функцияларни бажариш юклатилган шахслар киритилади.

**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш
СХЕМАСИ**



**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни доирасида тадбирларни ташкил этиш
СХЕМАСИ**

